ЎЗИГА ХОС РЕКОРД

СУРХОНДАРЁ. Узун тумани ғаллакорлари давлатга 9 минг 72 тонна дон топширдилар. Ҳосилдорлик ўртача гектаридан 40 центнерга айланди. "Намуна" жамоа хўжалигининг М. Ҳасанов бошлиқ ғаллакорлари гектаридан 94 центнердан хирмон кўтариб, ўзига хос рекорд натижага эришдилар. Давлатга яна бир ярим минг тонна дон сотиш мўлжалланмоқда.

Олимжон УСАНОВ.

ЯНГИ ЎЙИНГОҲДА ТЎП СУРИБ

БУҲОРО. Вилоят ўйингоҳлари яна биттага кўпайди. Когон туманидаги Баҳоуддин Нақшбанд номли жамоа хўжалигида янги ўйингоҳ фойдаланишга топширилди. Бу ерда қишин-ёзин машқ ўтказиб, мусобақалар ўтказиш мумкин. Барча қулайликларга эга бўлган масканда футбол мактаби ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Даврон БАҲРОНОВ.

СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

САМАРҚАНДНИНГ "ИППОДРОМИ"

САМАРҚАНД. Ипак йўлининг қадимий масканларидан бири бўлган Чўпонотанинг Самарқанд шаҳрига туташган қисми — Боғибаланднинг юқорисида очилган янги савдо марказини шундай деб номлашяпти. Бу ердан аллақачон юздан зиёд фирма ва ҳиссадорлик жамиятлари ишбилармонлари муқим ўрин эгалладилар. Савдо маркази Тошкентдаги сингари кечаю-кундуз ишлайди. Ёзги хушбичим савдо расталари ёнида қишки бино, ётоқхона, машина тўхташ жойи ва бошқа хизмат шохобчалари қад кўтармоқда.

Фармон ТОШЕВ.

"АФСОНАВИЙ СУФИЮН" МАСКАНИ

ФАРҒОНА. Вилоят ўлкашунослик музейига 100 йил тўлди. Бу музейда тарихга оид осори-атиқа ва муҳим ҳужжатлар сақланмоқда. Хусусан, Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Жалолиддин Румийнинг "Маснавий" асарлари қўлёзмалари каби китоблар сақланади. "Афсонавий суфиюн" китобида эса фарғоналик авлиёлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Алишер ИБОДИНОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 2 июль, сешанба № 83 (22.004).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИНИНГ АМЕРИКАДАГИ ЭЪТИРОФИ

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва АҚШ Президенти Билл Клинтон учрашуви; америкаликлар Ўзбекистон Президентини самимий кутиб олишди.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

МУҲТАРАМ ПРЕЗИДЕНТ ЖАНОБЛАРИ,

Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифим вақтида менга кўрсатилган самимий ва дўстона қабул учун Сизга сидқидилдан ташаккур билдираман.

Ўзбекистон Республикасига қилган ташрифимнинг ўтиши ва натижаларидан чуқур қаноат ҳосил қилганимни изҳор этишга ижозат бергайсиз. Бу ташриф икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш томон қўйилган шубҳасиз яна бир муҳим қадам бўлди ва давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни сифат жиҳатдан янги поғонага кўтарди. Биз ташриф вақтида эришилган аҳдлашувларга, шунингдек, бундан буёнги ҳамкорлик йўлларини белгилаб олишга катта аҳамият берамиз ва ишончим комилки, биз биргаликда куч-ғайрат сарфлаб, мўлжалланган соҳалардан аниқ-равшан натижаларга эришишга муваффақ бўламиз.

Давлатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам ўзаро манфаатли икки томонлама асосда кенгайиб, мустаҳкамланиб бораверади, деб қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Жаноби олийлари, Сизга бўлган камоли эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Ҳурмат ва ғоят қизғин хотиралар билан
Гунтис УЛМАНИС,
Латвия Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

МУҲТАРАМ ПРЕЗИДЕНТ ЖАНОБЛАРИ,

Яқинда Ўзбекистонда бўлган вақтимизда Сиз Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТРБ) делегацияси билан менга кўрсатган ниҳоятда шодиёна меҳмондўстлик учун ушбу мактуб орқали ўзимнинг ғоят чуқур ташаккуримни билдираман.

Ўтган ҳафтанинг пайшанба куни ЕТРБ билан мамлакатингиз ўртасидаги ҳамкорликка тааллуқли масалалар бўйича биз билан бўлиб ўтган суҳбатда ўзингизнинг жуда кўп қимматли вақтингизни ажратганингиз учун Сизга қизғин миннатдорлик изҳор этаман. Мамлакатингизнинг иқтисодий ривожланиши ҳақида, Сизнинг модернизациялаш стратегиянгиз тўғрисида берган маълумотингиз, шунингдек, жойнинг ўзидаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини ҳисобга олган ҳолда эркин бозор иқтисодиёти принципларини қўллашнинг энг самарали шакллари тўғрисида Сиз билдирган фикр-мулоҳазалар менда ғоят катта таассурот қолдирди.

Шуни айтишим керакки, мамлакатингизнинг иқтисодий истиқболлари, айниқса, «Абн амро» ва Мэйбанк билан ҳужжатларни имзолаш икки маросимида қатнашиб, «Сергели» лойиҳа объектини ҳамда бир қанча кичик ва ўрта корхоналарни бориб кўрганимдан кейин мени ниҳоятда руҳлантириб юборди. Президент жаноблари, Сизни ишонтириб айтмоқчиманки, ЕТРБ бизнинг ташкилотимиз билан Сизнинг мамлакатингиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш жараёнида фаол қатнашиш ишига содиқдир.

Мен шуни ҳам маълум қилмоқчиманки, пайшанба куни кечқурун Сиз Тошкентда таклиф қилган ажойиб зиёфатдан ниҳоятда ҳузур қилдик ва бизга кўрсатган эътиборингиз учун Сизга яна бир бор ташаккур изҳор қиламан.

Пировардида қўшимча қилиб шуни айтишга ижозат бергайсизки, ташриф ва Сиз билан мунозаралар бўйича менинг ҳисоботимни кенгаш қизиқиш билан қабул қилди.

Самимий эҳтиром билан
Жак Де Ларозьер,
Европа тикланиш ва ривожланиш банки президенти.

МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ АҚШГА АМАЛИЙ ТАШРИФИ КАТТА МУВАФФАҚИЯТ БИЛАН ЯКУНЛАНДИ

Биз тарихдан ҳикоя қилувчи манбалардан Американинг кашф этилиши ҳақида турли фаразларни ўқиганмиз. Улардан бирида буюк бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний уммон ортида ноаён қитъа мавжудлигини илмий тахмин қилгани ҳақида гап боради. Шуниси аёнки, ким томонидан кашф этилишидан қатъи назар, Американинг очилиши инсоният тараққиётидаги муҳим воқеа сифатида баҳоланади. Аммо бугун биз она диёримиз тарихи учун муҳимлиги жиҳатидан ундан кам бўлмаган воқеа — америкаликларнинг Ўзбекистонни мустақил ва имкониятларга бой мамлакат сифатида кашф этиши, АҚШ раҳбариятининг Ўзбекистон танлаган бозор муносабатларига ўтиш, босқичма-босқич ўтказилаётган сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар орқали ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олиш, истиқлолини мустаҳкамлаш йўлини эътироф этиши ҳақида сўз юритмоқчимиз. Бунда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 23-28 июнь кунлари Америка Қўшма Штатларига амалий ташрифи бурилиш нуқтаси бўлди.

Аввало, ташрифнинг энг муҳим воқеаси ҳақида. 25 июнь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Оқ уйда АҚШ Президенти Билл Клинтон қабулида бўлди. Олий мартабали меҳмонлар қабул қилинадиган қароргоҳда Ўзбекистон ва АҚШ Президенти мулоқоти белгиланганидан қарийб икки баробар кўпга чўзилгани бу тарихий учрашувнинг айни муддао бўлгани ва ўзаро фойдали фикр алмашув имконини берганидан далолатдир.

Оқ уй матбуот хизмати бизга тарқатган маълумотномада учрашув чоғида Президентлар икки томонни қизиқтирган иқтисодий, сиёсий ва хавфсизлик масалаларини, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг бориши ҳамда Марказий Осиёдаги вазиятни муҳокама қилгани қайд этилган. Унда, шунингдек, Президент Клинтон Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида етакчи ўринда туриши туфайли АҚШ мамлакатимиз билан кенг қамровли масалалар бўйича қалин алоқалар ўрнатиш ниятида эканини таъкидлагани маълум қилинган.

Президент Ислом Каримов учрашувнинг ғоят самарали ўтганини қайд этиб, у нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиё тараққиётида муҳим аҳамият касб этишини, жаҳондаги катта акс-садо беришини айтди. Дарҳақиқат, жаҳондаги кўплаб йирик оммавий ахборот воситалари бу учрашувни кенг ёритдилар. Учрашувга бўлган катта қизиқишнинг боиси шундаки, унда икки томонлама муносабатларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалардан ташқари, бир қанча халқаро масалалар юзасидан ҳам фикрлашиб олинди.

Билл Клинтон АҚШ Марказий Осиё мамлакатларининг мустақиллиги, барқарорлиги ва ривожланишидан ҳар томонлама манфаатдор эканини тасдиқлади. Учрашувнинг яна бир аҳамиятли томони — АҚШ раҳбарияти Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида Ўзбекистоннинг етакчи мавқеини эътироф этиб, у билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ниятида эканликларини таъкидлади. Терроризмга қарши кураш, наркотик моддаларнинг ғайриқонуний ҳаракатига тўсиқ қўйиш, минтақавий хавфсизлик муаммолари Ислом Каримовнинг Оқ уйда АҚШ Президентининг хавфсизлик масалалари бўйича ёрдамчиси Э. Лейк билан мулоқотида ҳам асосий мавзу бўлди.

Шу ўринда, Ўзбекистон-Америка муносабатларининг бугунги ривожига, қисқача бўлса-да, тўхталиш жоиз кўринади. Мамлакатимиз истиқлолни қўлга киритгач, жаҳондаги турли давлатлар, жумладан, Америка Қўшма Штатлари билан ўзаро тенглик ва манфаатдорлик асосида алоқалар ўрнатишга киришди. Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва бозор муносабатларига ўтишни ғоят мураккаб ижтимоий-сиёсий вазиятда амалга оширишга киришган эди. Ана шу пайтда эҳтиросларга берилмаслик, узоқни кўзлаб иш тутиш, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошира бориш ғоят муҳим эди. Шукрки, Президент Ислом Каримов танлаган йўл Ўзбекистоннинг талафотларсиз илгарилашига, ривожланишнинг мустаҳкам пойдеворини яратишига имкон бермоқда.

Иқтисодий ва сиёсий барқарорлик демократиянинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш ва уни кенгайтира бориш учун ҳам шароит туғдираётир. Ана шу жараёнларнинг чуқурлашуви, Ўзбекистон ислоҳотларни амалга оширишда эришган дастлабки муваффақиятлар мамлакатимиз билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг янада ривожланишига омил бўлди.

Бу ўринда Ўзбекистон билан АҚШ хусусий компания ва фирмалари ўртасида шаклланган ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари муҳим ўрин тутганини алоҳида таъкидлаш керак. Бугунги кунда мамлакатимизда 200 га яқин АҚШ компания ва фирмалари фаолият кўрсатяпти. Улар орасида «Каргил интерпрайзес», «Интерконсептс», «Байтмал инжиниринг», «Аиг трайдинг групп», «ФМС корпорейшн», «Жи-Эй-Ви», «Проктор энд гембл», «Агротек», «Ньюмонт майнинг» каби фирма ва компаниялар бор. АҚШ ишбилармонлари билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқаларнинг ривожида эса Америка хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш корпорациясининг (ОПИК) алоҳида хизмати мавжуд. Бу корпорация 1994 йилда дастлаб 20 дан зиёд АҚШ компаниялари раҳбарларининг мамлакатимизга ташрифини уюштирган эди. Айни пайтда ОПИК Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Америка компанияларининг 200 миллион долларлик сармояларини, шунингдек, Ўзбекистон ва янги мустақил давлатлар иқтисодиётига киритилган умумий ҳажми 1,2 миллиард долларлик олтита инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватламоқда. Шу боис бўлса керак, Президент Ислом Каримовнинг Америкага амалий сафари ОПИК қароргоҳига ташрифдан бошланди.

ОПИК қароргоҳида Ислом Каримов дастлаб Америка хусусий сармояларни қўллаб-қувватлаш корпорацияси президенти Рут Харкин хоним билан мулоқотда бўлди. Ҳамкорлик истиқболлари ҳақида кечган ғоят самимий ва дўстона суҳбатдан сўнг қароргоҳнинг Мажлислар залида Ислом Каримовнинг АҚШ ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашуви бўлди. Бу учрашувга АҚШ давлат департаменти вакиллари, шунингдек, Американинг 80 га яқин турли соҳаларга ихтисослашган компания ва фирмалари раҳбарлари ташриф буюргани уларнинг юртимизга алоҳида қизиқишидан дарак беради.

— Америка Президент Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистонда ўтказилаётган изчил иқтисодий ислоҳотлар йўлини қўллаб-қувватлайди, — деди Рут Харкин хоним учрашувда. У АҚШ маъмуриятининг Ўзбекистон билан Америка иқтисодий алоқаларини мустаҳкамланишида ОПИК асосий ўрин тутишини таъкидлади.

— Ўзбекистон иқтисодиётини бир кема деб тасаввур этадиган бўлсак, мен бу кема йўналишини янги технологиялар, ёрқин келажак сари бурмоқчиман, — деди Президент Ислом Каримов АҚШ тадбиркорларига юртимизнинг беқиёс имкониятлари ҳақида сўзлар экан. Юртбошимиз хусусан, Ўзбекистонда йилига 1,5 миллион тонна пахта толаси, 5 миллион тонна сабзавот етиштирилишини, мамлакатимиз пахта етиштириш, олтин ва бошқа талай қимматбаҳо металлар заҳиралари бўйича жаҳонда етакчи ўринларни эгаллашини айтди. Ўзбекистонда айни пайтгача 50 турдан зиёд маъдан заҳиралари излаб топилган ва фойдаланилмоқда. Уларнинг миқдори синчилар томонидан 3 триллион долларга тенглиги аниқланган. Йилига ердан 5,5 миллиард долларлик фойдали қазилма қазиб олинмоқда.

Мамлакатимизда хусусийлаштириш жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Айни пайтда ишга яроқли аҳолининг 60 фоизи хусусий секторда меҳнат қилади. Ялпи ички маҳсулотнинг 64 фоизи ана шу секторда яратилмоқда. Саноат маҳсулотларининг 50 фоизи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 97 фоизи ҳам ана шу сектор ҳиссасига тўғри келади.

Ислом Каримов, америка-

(Давоми 2-бетда).

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам раис жаноблари!

Давлат ва ҳукуматларнинг муҳтарам бошлиқлари!

Хонимлар ва жаноблар!

Энг аввало, Флоренцияга, Европа Иттифоқи мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг учрашувига таклиф этилиш шарафига муяссар бўлганимдан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битимнинг мана шундай юксак анжуманда имзоланиши — шубҳасиз, муносабатларимизнинг янги, ҳал қилувчи босқичга чиққанини исботловчи муҳим воқеадир.

Биз бу муносабатларга ташқи сиёсатимизнинг мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти ва жаҳон хўжалигига интеграциялашувига қаратилган устувор йўналиши, деб қараймиз.

Шу билан бирга биз бу ҳужжатнинг имзоланиши — ёш давлатимизнинг мустақиллиги ва суверенитетини сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш эканини ҳам миннатдорлик билан қайд этамиз.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан ҳамда давлатчилик қайта тикланганидан бошлабоқ Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат ва умуминсоний, эътироф этилган идеаллар ҳамда қадриятларга асосланган фуқаролар жамияти қуриш йўлига тушиб олди.

Ўзбекистон минтақадаги энг йирик мамлакат ҳисобланиб, табиий ва инсоний ресурсларга бой Марказий Осиёда алоҳида жўғрофий ва сиёсий-жўғрофий ўрин эгаллайди. Улкан табиий, минерал-хом ашё ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон бугуннинг

(Давоми 2-бетда).

ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ ВА МАМЛАКАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИДА РАИСЛИК ҚИЛГАН ИТАЛИЯ БОШ ВАЗИРИ РОМАНО ПРОДИНИНГ ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ ИМЗОЛАНИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам Президентлар,
Муҳтарам вазирлар,
Хонимлар ва жаноблар,
Президент Каримов жаноблари,

Мен Европа Иттифоқи ўзининг Италия раислигидаги фаолияти мобайнида амалга ошираётган сўнгги ишлардан бири — Сизнинг мамлакатингиз билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши бўлганидан алоҳида бахтиёрман.

Бугун бизнинг бу ерга тўпланишимизга сабаб бўлган маросим Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатларда бутунлай янги босқичдир. Бу маросимнинг Флоренцияда, Европа Иттифоқи доирасида ўтаётгани унга алоҳида аҳамият бахш этади. Чунки у Иттифоқимизнинг мамлакатингизга, унинг мустақиллиги ҳамда унинг Марказий Осиёда тутиб келаётган ўрнига берган эътибори рамзидир.

Мамлакатингиз мустақилликка эришган пайтдан бошлабоқ Европа Иттифоқи Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар жараёнини диққат билан кузатиб келди. Европа Иттифоқи бу жараённи фаоллик билан қўллаб-қувват-

(Давоми 2-бетда).

ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТЛАРИ КОМИССИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАК САНТЕРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎРТАСИДА ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ ИМЗОЛАШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Президент жаноблари,
Жаноб Бош вазир,
Азиз ҳамкасблар!

Биз бугун имзолаётган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги бугундан бошлаб янада янги мазмун касб этадиган муносабатларнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Бу битимнинг одатдаги савдо ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимлардан фарқини таъкидлаш учун уни «Шериклик битими» деб атаяпмиз. Бу битимда биз ўзимизнинг узоқ муддатли муносабатларимизнинг шаклли шамойилини белгилаб оламиз.

Бу шериклик — мақсадларимизнинг уйғунлигини кўрсатиб турибди. У шунингдек, Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигига катта аҳамият бераётганининг ҳам далолатидир. Ниҳоят, у Европа Иттифоқининг мамлакатингизга унинг икки йўналишдаги: демократияни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасидаги интилишига кўмаклашишга бўлган аҳдини ҳам таъкидлайди.

Битим ишбилармонларимиз ва сиёсий ташкилотларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун ҳам зарур шарт-шароит яратади. Бу шарт-шароит сиз учун ҳам, биз учун ҳам мақбулдир. Битим Марказий Осиёда муқим барқарорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган биргаликдаги ҳаракатларнинг янги миқёсларини белгилаб беради.

Битимнинг, назаримда, муҳим бўлиб кўринган бир қанча жиҳатларига алоҳида

(Давоми 2-бетда).

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ МАМЛАКАТЛАРИ ДАВЛАТ ВА ҲУКУМАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўзидаёқ Европа Иттифоқига аъзо бўлган кўпгина мамлакатларнинг иқтисодиёт ва савдо соҳасидаги муҳим шерикларидан ҳисобланади.

Марказий Осиёнинг қоқ марказида жойлашган Ўзбекистон бугунги кунда Умумевропа жараёнларининг фаол иштирокчиси бўлиб қолган. Биз Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Хельсинки ғояларини мустаҳкамлаш учун минтақавий марказ сифатида айнан давлатимиз пойтахти Тошкентни танлаганини юксак баҳолаймиз. Мамлакатимизнинг НАТОнинг «Тинчлик йўлидаги шериклик» дастуридаги иштироки ҳам тобора кенгайиб бормоқда.

Ҳозирги замонда Марказий Осиёнинг иқтисодий ва сиёсий аҳамияти тобора ўсиб бораётгани бизга савдо-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларимизнинг ёрқин истиқболигагина эмас, **Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилиши имкониятларига ҳам умид билан қараш имконини беради.**

Биз, ўзбекистонликлар, мамлакатимизда халқимизнинг муносиб ҳаётини таъминлайдиган эркин бозор иқтисодиётига эга демократик очиқ давлатни шакллантириш ва оёққа турғизиш учун Европа Иттифоқи ва Европа мамлакатлари кўрсатаётган ёрдам ҳамда мададни юксак баҳолаймиз ва миннатдорлик билан қабул қиламиз.

Бугунги кунда хусусий сектор ва тадбиркорликни мустаҳкамлаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, биз учун янги бўлган мулкдорлар синфини оёққа турғизиш, замонавий меъёр ва стандартларни ҳаётимизга татбиқ этиш борасида бизга кўрсатилаётган ёрдам ниҳоятда муҳимдир.

Бу борада Европа Иттифоқидан Тасис дастури бўйича олаётган ёрдамимиз ҳам ниҳоятда мислсиздир.

Биз Европа Иттифоқининг Европа билан Марказий Осиё ўртасидаги илгари Буюк ипак йўли ўтган йўлда транспорт қатновини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган Трасека лойиҳасини ривожлантиришга ниҳоятда катта аҳамият берамиз. Ўзбекистон бугунги кунда бир қанча манфаатдор давлатлар билан ҳамкорликда мазкур лойиҳани амалга ошириш юзасидан амалий қадамлар ташламоқда.

Хонимлар ва жаноблар!

Мен ҳамкорлигимиз Ўзбекистон учун Европада, Европа учун Марказий Осиёда катта имкониятлар очиб беришга қодир эканига тўла аминман. Ҳамкорлигимизнинг мақсади битта — Европа ва Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, эркин бозор муносабатларини кенгайтириш, демократик қадриятларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркини кафолатлаш, фуқароларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратишдан иборатдир.

Бугун шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолар эканман, мен муносабатларимизнинг истиқболига умид билан қарайман ҳамда бу муносабатларни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, зиммамизга олган мажбуриятларимизнинг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қатъий аҳдимни ифода қиламан.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

Флоренция шаҳри, Италия.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ ИМЗОЛАНИШИГА ДОИР

ШАРҲЛАР

Ўзбекистон Республикасининг чет эллардаги ваколатхоналарининг хабарларига қараганда, ўтган ҳафтада Европадаги йирик ахборот маҳкамаларининг 57 та ахборотидан Ўзбекистон ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Жумладан, Рейтер, Франспресс, Европа ва бошқа шу сингари машҳур ахборот агентликлари Флоренцияда Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзолангани ҳақида хабар тарқатди.

Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битимнинг имзоланиш маросими Европадаги йирик «Евроньюс» трансмиллий телевизион компанияси томонидан мунтазам равишда ёритиб борилди. Дастлаб Чили билан иқтисодий ва маданий ҳамкорликни кўзда тутувчи битим имзолангани ҳақида маълумот берилди. Ўзбекистон билан тузилган битимга келганда, **унинг «Маданий ва иқтисодий ҳамкорлик доирасидан чиқиб кетгани» ҳамда сиёсий ҳамкорликни ҳам кўзда тутиши алоҳида қайд этилди. Битимни имзолаш пайти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг нутқ сўзлагани бир неча марта такрор кўрсатилди.**

Шу йилнинг 24 июнь куни Франциянинг нуфузли **«Эхо» кундалик иқтисодий газетаси** бу битим ҳақидаги хабарни «Чили ва Ўзбекистон билан ҳамкорлик тўғрисида битим» деган сарлавҳа билан босиб чиқарди.

Ўзбекистон билан тузилган битимга тўхталар экан, газета бу битим **одатдаги иқтисодий ҳамкорликнинг қатъий доирасидан чиқиб, Европа Иттифоқи Ўзбекистоннинг мустақиллиги, суверенитети ҳамда унинг демократияни мустаҳкамлаш, фуқаролар жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаши лозимлигини таъкидлашини** ёзади.

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **Ўзбекистон «Европа Иттифоқи билан фақатгина маданий ва иқтисодий соҳалардагина эмас, стратегик соҳада ҳам шерик бўлишни исташи»** тўғрисидаги гапини ҳам келтиради.

Европа Комиссари Ханс Ван Ден Брукнинг гапига қараганда, **«Бу битимнинг геостратегик аҳамияти шундоққина кўриниб турибди».** Битимнинг Ўзбекистон учун аҳамиятини таҳлил қилар экан, француз газетаси **«Москвадаги айрим кишилар собиқ салтанатни тиклашни орзу қилиб турган ҳозирги пайтда Тошкент томон йўналтирилган бу хушхабар ўта муҳимдир»,** деб давом этади.

Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида битимнинг имзоланиши **Франциянинг давлат ва жамоат арбоблари,** шунингдек етакчи ишбилармонлари ўртасида ижобий фикр уйғотди. Жумладан, Франция ишбилармонлари миллий кенгашининг вице-президенти Ф. Жискар Дъэстен **«Шундай юксак даражада битим имзоланганини Президент Ислом Каримовнинг тўғри иқтисодий сиёсат юргизаётганидан далолат беради, бу бугунги кунда Ўзбекистон Европа ишбилармонлари учун энг ишончли шерик эканини яна бир бор исботлайди»,** деб қайд этади.

Европа Иттифоқи Кенгаши тарқатган матбуот ахборотида Р. Проди, Ж. Сантер ва И. Каримов ўз нутқларида битимнинг Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳам сиёсат, ҳам иқтисодиёт соҳасидаги муносабатларни янада ривожлантиришдаги муҳим аҳамиятини таъкидлашгани қайд этилади. **Р. Проди Европа Иттифоқининг Ўзбекистонга, унинг мустақиллик руҳи ҳамда Марказий Осиёда тутиши лозим бўлган ўрнига қаратаётган муҳим эътиборини алоҳида таъкидлади.**

Матбуот ахборотида шунингдек, битим томонлар ўртасидаги сиёсий ва савдо-иқтисодий муносабатларнинг бутун бир мажмуини қамраб олгани ҳамда у томонлар ўртасида ижтимоий, молиявий, илмий-техник ҳамкорлик учун асос яратиши тўғрисида гапирилади.

Россиянинг бир қанча оммавий ахборот воситалари имзоланган ҳужжат Ўзбекистоннинг синов муддати билан Европа Иттифоқига кириш таклиф этилган Шарқий Европа мамлакатлари қаторига киришига аниқ имкониятлар яратганини таъкидлайди.

Ғарб дипломатлари шунингдек, Россия Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги битимдан унча хурсанд бўлмаса керак, деган фикрни билдиришмоқда. Чунки, Москванинг нуқтаи назаридан қаралганда, МДҲдаги барча давлатлар бугунги кунда ўзларининг бутун саъй-ҳаракатини **жаҳон сиёсатида минтақавий «жуғрофий-сиёсий» марказ** сифатида Ҳамдўстликнинг мавқеини оширишга йўналтириши лозим. Бундан ташқари, Европа Иттифоқи билан Россия ўртасидаги шериклик ва Ҳамдўстлик тўғрисидаги битимнинг ратификация қилиниши ва кучга кириши билан боғлиқ «Россия масаласи»нинг жуда секинлик билан ҳал этилиши манзарасида МДҲдаги айрим мамлакатларнинг Европа Иттифоқи билан жадал яқинлашуви ҳам Россия раҳбариятини ташвишлантиради.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ДАВЛАТ ВА МАМЛАКАТ БОШЛИҚЛАРИ КЕНГАШИДА РАИСЛИК ҚИЛГАН ИТАЛИЯ БОШ ВАЗИРИ РОМАНО ПРОДИНИНГ ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМ ИМЗОЛАНИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лади ҳамда бундан кейин ҳам мана шу йўлда ҳаракат қилиш ниятидадир.

Биз бир неча лаҳзадан кейин имзолайдиган битим барчамизнинг фаол шериклик негизини барпо этиш истагимизни таъкидлайди. Мазкур битим биз инсон ҳуқуқлари, асосий эркинликларни ҳурмат қилиш ва ҳуқуқий давлат сингари умумий қадриятларга бир назар билан қарашимизга далолат ҳисобланади.

Битим Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг барча соҳасини қамраб олади.

Битим савдо ва иқтисодиёт соҳасида мамлакатингиз эга бўлган барча салоҳиятдан фойдаланиш имконини беради. Унинг ратификация қилиниши жараёнини кутар эканмиз, биз битимнинг савдо соҳасидаги қисми оралиқ битим тузиш йўли билан илгарироқ ҳам кучга киришини назарда тутамиз.

Бундан ташқари, битим ўзаро манфаатдор масалалар бўйича мунтазам равишда фикр алмашиш имконини берувчи сиёсий мулоқот учун ҳам асос яратади. Бу— жуда муҳим унсурдир. Мазкур мулоқот шунингдек мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни ҳам мустаҳкамлайди. Сиз билан биз тинчлик ва халқаро хавфсизликка кўмаклашиш учун қатъият билан ишлаймиз.

Президент жаноблари,

Мазкур битимни имзолаш билан мамлакатларимиз иқтисодий тараққиёт ва сиёсий барқарорлик йўлида бир мақсадда эканини ифода этади. Мен сиз орқали, Европа халқлари номидан, ўзбек халқига келажакка бўлган мана шу ишонч номаси билан мурожаат қилишни истар эдим.

ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТЛАРИ КОМИССИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАК САНТЕРНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎРТАСИДА ШЕРИКЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ БИТИМНИ ИМЗОЛАШ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

тўхтаб ўтишга ижозат бергайсизлар.

Энг аввало, битим бизнинг сиёсий мулоқотимиз учун мустаҳкам асос барпо этади. Бу бизга ҳар томонлама фикр алмашишни фаоллаштириш имконини беради.

Қолаверса, у бугунги кунда анча паст даражада турган савдони ривожлантириш ва сармоя ҳажмини ошириш учун мақбул ҳуқуқий асосни барпо этади. Назаримда, жаҳон иқтисодиётининг бир-бирига ўзаро боғлиқлиги кучайиб бораётган ҳозирги даврда бу жараёнга кўмаклашиш ҳамда ундан имкон қадар кўпроқ фойда олиш — мантиқ тақозосидир. Бундай жараёнлар иқтисодиёт соҳасидагина эмас, сиёсат соҳасида ҳам ижобий натижалар беришига ишончим комил. Чунки улар сиёсий барқарорлик ва тинчликка ҳам хизмат қилади. Буни Европа Иттифоқи тажрибаси тасдиқлаб турибди.

Ниҳоят, битим иқтисодиётнинг турли соҳаларидаги алоқаларимизни ривожлантиришга кўмаклашадиган ҳамкорлик учун кенг истиқболлар очиб беради. Бу биз учун ҳамкорлигимизни кенгайтириш ва унинг турли-туман шаклларини топиш борасида биргаликда амалга оширадиган ишларимизнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ўтмишдаги тўсиқлар эндигина бартараф этилмоқда. Бу ҳол энди бир пайтлар иккала минтақамизни бирлаштириб турган Ипак йўлининг ҳақиқий иқтисодий қайта тикланишига йўл очса ажаб эмас. Ҳамкорлигимиз миқёслари бундай истиқбол учун барча шарт-шароитни яратишига ишончим комил.

Президент жаноблари, шериклик ва ҳамкорлик ҳақидаги битим келажакка қаратилган истиқболли битимдир. У мамлакатингизда муҳим ислоҳотлар туфайлигина рўёбга чиқадиган тараққиётнинг муҳим дастаги бўлиши лозим.

Мен иқтисодий ислоҳотлар зарурлигига алоҳида эътибор қаратишни истар эдим. Биз Ўзбекистоннинг замонавий бозор иқтисодиётига эга бўлган давлат сифатида шаклланиш жараёни қийин ва узоқ кечишини яхши англаймиз. Биз ана шундай вазиятдаги бошқа мамлакатларда ҳам бўлгани сингари, ўтиш даврининг қийинчиликларини енгиш осон кечмаслигини, айрим ҳолларда жуда оғир бўлишини ҳам биламиз. Бу ҳол халқингиз ислоҳотларга интилишини сақлаб қола олиши учун ўтиш даврининг ижтимоий оқибатларига жиддий эътибор қаратиш заруриятини туғдиради.

Жамиятларимизнинг бунёдкор кучларини бошқа ташвишлардан халос қилиш ва рағбатлантириш учун бошқа йўл йўқлигига ишончим комил.

Биз ўзимиз эга бўлган барча воситалар билан Ўзбекистондаги ислоҳотлар жараёнини қўллаб-қувватлашни давом эттираверамиз, деб ишонтиришимга ижозат бергайсиз.

Келажакнинг даъвати аниқ кўриниб турибди. Биз ҳозиргина биргаликда унга жавоб бериш дастакларини аниқлаб олдик. Улардан уддабуронлик билан фойдаланишимиз қолган, холос. Биз ўз томонимиздан бу ишга киришмоқдамиз.

Ташаккуримни қабул айлагайсиз.

ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИНИНГ АМЕРИКАДАГИ ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лик ишбилармонларни мамлакатимизда хорижий сармоядорлар, бизнес учун яратилган қулай шарт-шароит билан таништирди. Бу ўринда ҳуқуқий асосларни, давлат томонидан бериладиган кафолатларни алоҳида қайд этиб ўтди.

— Биз Америка капиталининг Ўзбекистонга кенг кўламда кириб келишидан манфаатдормиз, — деди Ислом Каримов АҚШ ишбилармонларини юртимиз иқтисодиётига дадил сармоя киритишга даъват этар экан.

Ўзбекистон билан ҳамкорликка киришган «Интерконтинентал коммерс» корпорацияси президенти Е. Миллер ҳамюртлари олдида Президентимизнинг бу гаплари ғоят тўғри эканлигини таъкидлади. Маълум бўлдики, Е. Миллернинг ҳамкорлик ҳақидаги таклифлари атиги 17 кун ичида Ўзбекистон раҳбарияти томонидан кўриб чиқилиб, ўзаро манфаатли лойиҳаларни тезда амалга оширишга киришилган. Америкадек нуфузли мамлакатда бундай самимий эътирофни эшитиш биз учун жуда мароқли бўлди.

Учрашувда ўзаро ҳамкорлик юзасидан бир қанча ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси, ОПИК, «Инрон ойл энд газ компани» ўртасида Бухоро вилоятида газ конларини ўзлаштириш бўйича суғурта кафолатлари ҳақида имзоланган протокол Америка хусусий сармояларни қўллаб-қувватлаш корпорациясининг бу мақсадлар учун 400 миллион доллар ажратишини кўзда тутади.

«Ўзбекнефтгаз», ОПИК ва «Тексако» компанияси ўртасида имзоланган ҳужжат эса Фарғонада мойлаш материаллари ишлаб чиқарувчи қўшма корхона тузиш, уни суғурталаш хусусидадир.

Ўзбекистон раҳбарининг Америкага ташрифи бош ташкилотчиси АҚШ савдо ва тараққиёти агентлиги (АСТА) бўлганини таъкидлаш жоиз. Агентлик директори Жозеф Грандмейсон Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида биргаликда авиатехника ишлаб чиқариш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосларини тайёрлаш учун 1 миллион доллар грант (беғараз маблағ) ажратиш ҳақидаги ҳужжатга ҳамда АСТА билан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ўртасида ўзаро фойдали сармоя имкониятлари ҳақидаги англашмалар меморандумига имзо чекди.

Бу ерда «Кейс» компанияси билан Ўзбекистон банклари ассоциацияси ўртасида «Ўзкейсагролизинг» қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг хизмати кўрсатиш бўйича қўшма корхона тузиш ҳақидаги протокол, шунингдек, Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар Миллий банки билан «Банк оф Америка» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ҳам имзоланди.

24 июнь куни Ўзбекистон раҳбари Вашингтонда АҚШ давлат котибининг ўринбосари Строуб Телбот ва АҚШ Марказий Разведка бошқармаси директори Ж. Дейч билан учрашди. Бу учрашувларда Ўзбекистон билан Америка ўртасида Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Шу куни бўлиб ўтган бошқа учрашувларга тўхталишдан аввал бу мавзудаги суҳбат 26 июнь куни Ўзбекистон Президентининг Пентагонга ташрифи чоғида давом этганини таъкидлаш лозим. Президент Ислом Каримов АҚШ Мудофаа вазирлигида алоҳида эҳтиром билан кутиб олинди. АҚШнинг турли ҳарбий қўшин турлари аскарлари саф тортдилар. Тўплардан олий мартабали меҳмон шарафига салют берилди. Президент Ислом Каримов ва АҚШ мудофаа вазири Уильям Перри шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва АҚШ Давлат мадҳиялари янгради.

— Биз Ўзбекистонни Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим ҳамкоримиз деб биламиз, — деди АҚШ мудофаа вазири Ислом Каримов билан яккама-якка суҳбат олдидан журналистлар саволларига жавоб қайтарар экан. — Америка Ўзбекистоннинг НАТО «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги иштирокини, Қозоғистон, Қирғизистон аскарлари билан биргаликдаги Марказий Осиё тинчликни таъминлаш батальонининг ҳарбий машқларда иштирокини қўллаб-қувватлайди.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасидаги алоқаларини янада чуқурлаштириш тарафдори эканини қайд этиб, ўзбекистонлик аскарлар Америкада ўтадиган ҳарбий машқларга катта тайёргарлик кўраётганини айтди. АҚШ билан Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ҳамкорлик Ўзбекистоннинг хавфсизлигини кафолатлаш ва бехавотир тинч бунёдкорлик билан машғул бўлишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Америкада эришилган иқтисодий тараққиёт ва мамлакатда кафолатланган демократиянинг бош сабаби нимада, деган савол кўнглингиздан ўтса, ажаб эмас. Биз бу саволга ўзимизча жавоб топгандек бўлдик. Америка тараққиётининг бош сабаби барча нарса инсон учун, унинг қадр-қимматини юксакликка кўтариш учун йўналтирилганида бўлса керак. Арлингтон қабристонини зиёрат қилиш чоғида бунга яна бир карра амин бўлдик. Зангор майсалар билан қопланган бу қабристон 1860 йилларда Америкада рўй берган фуқаролар урушидан бери мавжуд. Айни пайтда бу ерга Ватан озодлиги ва манфаатлари учун жон берган 245 минг аскарнинг хоки қўйилган. Бу зиёратгоҳда ярим овозда сўзлашилади. Парваришланган майсазор ястанган ва дов-дарахтлар маюс бўй чўзган зиёратгоҳ юксакликлигида Ватан учун жон фидо қилган номаълум аскар қабри мавжуд.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ана шу қабристонни зиёрат этди. Ташриф чоғида зиёратгоҳ майдонининг икки четида Америка Қўшма Штатлари турли қўшин турлари вакилларидан иборат аскарлар саф тортдилар. Ўзбекистон ва АҚШ Давлат мадҳиялари янгради. Президент Ислом Каримов Номаълум аскар қабрига гулчамбар қўйди. Сўнгра Жон ва Роберт Кеннеди қабрини зиёрат қилди.

Юртбошимиз сафар давомида бўлиб ўтган учрашувлар чоғида Арлингтон қабристонини зиёрат қила туриб Америка халқининг ўтганлар хотирасини эъзозлаш борасида қилаётган ишларидан ибрат олса арзигулик эканлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, Ватан озодлиги, равнақи йўлида қилинган ҳар бир хизмат унутилмайдиган, муносиб ҳурмат-эътибор билан тақдирланадиган жамиятни кўриб, америкаликлар ўз юртларини нега бунчалар яхши кўриши боисини ҳам англагандек бўлдик.

Ўзбекистон Президенти Вашингтонда АҚШ давлат департаменти, конгресси вакиллари, шунингдек, иш одамлари билан талай учрашувлар ўтказди. «Мариот» меҳмонхонасидаги қароргоҳда АҚШ энергетика вазири Г. Оълири, АҚШ молия вазири Р. Рубин, АҚШ савдо ва тараққиёт агентлиги директори Ж. Грандмейсон ҳамда савдо вазири ўринбосари Б. Картер бошчилигидаги делегация аъзолари, Марказий Осиё ва Америка тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси раиси С. Соларз, мамлакат сенатида халқаро муносабатлар қўмитаси вакиллари, конгресснинг вакиллар палатаси халқаро муносабатлар қўмитаси аъзолари, Теннисси штати губернатори Д. Сандквист ҳамда Теннисси штатидан сайланган сенатор ва конгрессменлар билан учрашувлар шулар жумласидандир. Бу учрашув ва мулоқотларда Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги энергетика, молия, савдо, тадбиркорликни ривожлантириш, парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон ва АҚШ штатлари ўртасидаги ҳамкорликни тараққий эттириш, мустаҳкамлаш истиқболлари муҳокама қилинди.

Теннисси штати губернатори билан учрашув чоғида Ўзбекистон, Америка техника институти ва жанубий штатлар энергетика кенгаши ўртасида англашмалар протоколи имзоланди. Бу ҳужжат Ўзбекистон давлат автомобилларини сиқилган газда ишлашга мослаштирадиган «Газмоторс» қўшма корхонасини, мамлакатимиз ҳудудида 400 га яқин газ қуйиш станциялари тармоғини яратадиган «Газкомпрессор» қўшма корхонасини тузишни кўзда тутади. Мана шу икки лойиҳа бўйича Ўзбекистон иқтисодиётига 102 миллион доллар сармоя киритилиши режалаштирилган. Бу ўз навбатида мамлакатимизда энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланишга, атроф-муҳит тозалигини таъминлашга имкон яратади.

(Давоми 3-бетда).

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни АҚШ Мудофаа вазирлигида тантанали кутиб олиш пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИНИНГ АМЕРИКАДАГИ ЭЪТИРОФИ

(Давоми. Боши 1-2-бетларда).

Вашингтонга ташриф унутилмас воқеаларга бой бўлди. 24 июнь куни Америка-Ўзбекистон савдо палатаси юртбошимиз шарафига уюштирган қабул маросимида палата раиси Николас Никозмерад Президент Ислом Каримовга ҳамкорлик йўлидаги фаол раҳбарлиги ва озодликка бўлган иродаси учун медалини топширди.

Ўзбекистон раҳбари кўплаб ишбилармонлар, журналистлар иштирок этган бу қабул маросимида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик ривожига катта ҳисса қўшаётган америкалик тадбиркорларга алоҳида миннатдорлик билдирди.

— Сиз улкан иш қилмоқдасиз, — деди Ислом Каримов жумладан уларга мурожаат этар экан. — Энг ишончли ҳаракат доимо икки томонлама бўлади. Биз ана шу ўзаро манфаатдорлик асосида Америка капиталининг Ўзбекистонга оқиб келиши учун кенг эшиклар очмоқдамиз. Бу Ўзбекистон ва Америка халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлашга беқиёс имкониятлар яратади.

Англиялик Ж. Смисон асос солган, айни пайтда 16 музей ва 6 илмий тадқиқот институтини ўзида мужассам этган Вашингтондаги «Смисониан институшен» музейлар мажмуасининг М. Саклер галереясида Осиё халқлари санъати намуналари намойиш этилади. Галереяда ўзбекистонлик меҳмонлар ташрифи муносабати билан Марказий Осиё тарихи ва маданиятининг нодир ёдгорликлари кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмада биз Беҳзод қаламига мансуб миниатюралар, Улуғбекнинг «Зижи кўрагоний» асари, Саъдийнинг Алишер Навоий учун махсус кўчирилган «Гулистон»и ва бобокалонимиз Амир Темур учун кўчирилган Усмонли қуръони улкан китобининг авайлаб сақланаётган саҳифаларини кўришга муваффақ бўлдик. Музей ходимлари Ўзбекистон делегациясига ана шу қуръон саҳифаларининг нусхасини топширдилар. Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Содиқ Сафоев музей ходимларига миннатдорлик билдириб, бобокалонимиз учун кўчирилган қуръон саҳифалари нусхаси улуғ соҳибқиронинг 660 йиллик тўйига муносиб совға бўлажагини қайд этди.

Яна бир тарихий воқеа Вашингтонда Ўзбекистон Республикаси элчихонасининг янги биноси очилиши бўлди. Маросимга АҚШ мудофаа вазири У. Перри, АҚШ Давлат департаментининг МДҲ мамлакатларига нисбатан сиёсати бош мувофиқлаштирувчи, элчи Ж. Коллинз, энергетика вазири Г. Оълири хоним, дипломатлар, хориждаги ватандошларимиз ташриф буюрдилар.

Ўзбекистон ва АҚШ давлат мадҳиялари янграгач, Ислом Каримов ва У. Перри алвон лентани қирқдилар.

Ушбу қувончли воқеа муносабати билан уюштирилган қабул маросимида Ўзбекистон Президенти И. Каримов, элчи Ж. Коллинз, энергетика вазири Г. Оълири хоним ва бошқалар мамлакатимиз билан АҚШ ўртасида тобора ривожланиб бораётган дўстлик ва ҳамкорликнинг кенгайиши ва мустаҳкамланишини ёқлаб фикр билдирдилар.

Шу куни юртбошимиз Жаҳон банки қароргоҳида мазкур нуфузли халқаро ташкилот президенти Ж. Вулфенсон билан суҳбатда бўлди.

АҚШ пойтахтига ташриф сўнггида Президент Ислом Каримов миллий матбуот клубида журналистлар билан учрашиб, ташриф якунлари, мамлакатимизда иқтисодий, сиёсий ислоҳотларнинг бориши, жамиятда матбуотнинг ўрни ҳақидаги саволларга жавоб қайтарди.

26 июнь куни Ўзбекистон Президенти Вашингтондан нафақат Техас штатидаги, балки Америкадаги йирик шаҳарлардан бири Хьюстонга келди. Бу шаҳар саноатида нефть ва газ қазиб олиш, айниқса муҳим ўрин тутади. Бу ерда қўлланилаётган юксак технология ўзбекистонлик кончилар билан хьюстонликлар ўртасида ҳамкорлик ўрнатилишига асос бўлди. Бироқ, айни пайтда алоқаларни янада кенгайтириш зарурати туғилмоқда. Бунда Ўзбекистондаги мавжуд имкониятлардан бўлажак ҳамкорларни воқиф этиш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис «Ўзбекнефтгаз» миллий қорпорацияси бу ерда «Ўзбекистоннинг нефтгаз салоҳияти» мавзуида кўргазма ташкил этди. Шаҳарнинг муҳташам «Хюстониан» меҳмонхонаси мажлислар залида ана шу мавзуда конференция бўлиб ўтди.

Конференцияда раислик қилган Америка савдо ва тараққиёт агентлиги директори Ж. Грандмейсон ва АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С. Эскудеро мамлакатимиз билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги алоқалар янги босқичга кирганини, бу алоқалар ривожида Президент Ислом Каримовнинг улкан ташаббускорлиги борлигини алоҳида таъкидладилар.

Конференцияда Президент Ислом Каримов мамлакатимизда нефть ва газ ишлаб чиқариш борасида қилинаётган бунёдкорлик ишлари, мавжуд улкан имкониятлар ҳақида сўзлади.

— Ўзбекистонда топилган газ заҳиралари қарийб 2 триллион кубометрни, кўмир заҳираси 2 триллион тоннадан зиёдни ташкил этади, — деди жумладан юртбошимиз. — Бизда 160 дан ортиқ нефть конлари мавжуд. Мамлакатимизнинг қарийб 60 фоиз ҳудуди нефть ва газ қазиб олиш учун истиқболли саналади. Нефть заҳиралари бўйича умумий потенциал 4 миллиарддан зиёд тоннани, газ конденсати 630 миллион тоннани, табиий газ миқдори эса қарийб 5 триллион кубометрни ташкил этади. Нефть ва газ заҳираларининг умумий қиймати 1 триллион доллардан ортиққа баҳоланмоқда.

Шуниси аҳамиятлики, мамлакатимизда нефтнинг 90 фоиздан ортиғи энг арзон ҳисобланган «Фаввора» услубида қазиб олинмоқда. Ўзбекистонда топилган нефть заҳираларининг ишланганлик даражаси атиги 32 фоизни ташкил этади. Шу кўрсаткич Туркманистонда — 61, Қирғизистонда — 41, Тожикистонда — 60 фоизни ташкил қилади. Топилган газ конлари соҳасида ҳам айнан шундай манзарага гувоҳ бўласиз. Бу Ўзбекистон билан ҳамкорликнинг ғоят истиқболли эканидан дарак беради. Айни пайтда замонавий хорижий технологияларни жорий этиш қўшимча яна 50 миллион тонна нефть қазиб олиш имконини беради.

Хьюстонлик ишбилармонлар мамлакатимизда хорижлик сармоядорлар учун яратилган ҳуқуқий шарт-шароитлар, кафолатлардан ҳам воқиф бўлдилар. Конференция ниҳоясида «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси билан «Тексако» компанияси ўртасида қўшма корхона таъсис этиш ҳақидаги шартнома, шунингдек, «Ўзбекнефтгаз» билан «Инрон ойл энд газ» корпорацияси ўртасида газ конларини қидириб топиш ва қазиб олиш бўйича қўшма корхона тузиш шартлари ҳақидаги шартнома имзоланди.

Хьюстонда ҳам Президентимиз ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қанча учрашувлар ўтказди. Хьюстон шаҳри ҳокими Р. Ланиер, «Юнокал» ва «Дельта» компаниялари раҳбарияти, «Эй-Би-Би» концерни президенти ва ижроия директори П. Барнавик, «Инрон» корпорацияси президенти К. Лей билан бўлиб ўтган учрашувлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон давлат геология ва минерал ресурслар бўйича давлат қўмитаси 28 июнь куни Колорадо штатининг Денвер шаҳрида «Ўзбекистоннинг маъдан-хом ашё базаси» мавзуида тақдимот ўтказди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ана шу тақдимот доирасида уюштирилган мамлакатимиз фойдали қазилмаларини қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳаси сармоя имкониятларига бағишланган конференцияда нутқ сўзлади.

— Мен, Ўзбекистон билан бир хил кенгликда, бироқ, заминимизнинг бошқа ярим шарида жойлашган, Ўзбекистон каби олтин, уран, рангли металлар қазиб олишда катта тарихга эга Колорадо штатида сўзга чиқишдан мамнунман, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Ўзбекистон ўз ер ости бойликлари билан ҳақли равишда фахрланади. Бугунги кунда маъдан хом ашёсининг 100 га яқин турини ўз ичига олган турфа истиқболли фойдали қазилмаларнинг 2700 дан зиёд кони топилган. Уларнинг 60 тасидан халқ хўжалигида фойдаланилмоқда.

Заҳиралари 970 миллиард долларлик 900 дан ортиқ кон аниқланган. Мамлакатимиз умумий маъдан-хом ашё салоҳияти 3,3 триллион долларга баҳоланади.

Ислом Каримов ўз нутқида бу соҳада ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини қайд этди. Мамлакатмиз ҳукумати ўзаро фойдали ҳамкорлик учун қулай шарт-шароит, ҳуқуқий кафолатлар яратганини қайд этиб, шерикликда фаолият юритишга даъват этди.

Юртбошимиз Денверга ташриф чоғида Колорадо штати губернатори Р. Ромер билан учрашди. «Адамс марк» меҳмонхонасида бўлиб ўтган бу учрашувда Ўзбекистон Республика ҳукумати билан Колорадо штати ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Маълумки, «Ньюмонт майнинг» корпорацияси мамлакатимиз билан самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ислом Каримов бу ҳамкорликни кўп марта бошқаларга ибрат сифатида қайд этган эди. Давлатимиз раҳбари «Ньюмонт майнинг» корпорацияси қароргоҳига ҳам ташриф буюрди. Бу ерда Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси билан «Ньюмонт майнинг» корпорацияси ўртасида мамлакатимиз шарқида олтин конларини қидириш ва тадқиқ этиш бўйича қўшма корхона ташкил этиш ҳақидаги ҳамда Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, «Ньюмонт майнинг» корпорацияси ва «Мицуи» корпорацияси ўртасида «Қизилолмасой» ва «Кўчбулоқ» конларини биргаликда қазиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Америка Қўшма Штатларига самарали ташрифи ниҳоясига етди.

Албатта ҳали бу тарихий ташриф ҳақида кўп ёзилади. Олимлар келажакда унинг моҳияти, Ватанимиз тарихи, Ўзбекистон — Америка муносабатлари тадрижидаги ўрни ҳақидаги талай тадқиқотлар ўтказишади. Бироқ, аминмизки, улар бир масалада биз билан ҳамфикр бўладилар. Ўзбекистон Президенти ўзининг бу ташрифи билан нафақат икки мамлакат муносабатларида, балки озод ва мустақил ватанимиз тарихида ҳам янги даврни бошлаб берди. Шу ўринда ташриф дастлаб Италиядан бошланганини, у ерда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви доирасида Европа Иттифоқи билан Ўзбекистон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланганини эслаб ўтиш лозим.

АҚШга ташриф чоғида мамлакатимиз раҳбарига Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Б. Ғуломов, С. Сафоев, В. Голишев, Бош вазир ўринбосарлари Б. Ҳамидов, Қ. Ҳаққулов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, мудофаа вазири Р. Аҳмедов, Ўзбекистоннинг АҚШдаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ф. Тешабоев ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

29 июнь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди.

Тошкент аэропортида юртбошимизни Ўзбекистон Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов кутиб олди.

Амирқул КАРИМ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент-Вашингтон-Хьюстон-Денвер-Вашингтон-Тошкент.

Ўзбекистон Президенти И. Каримов ва АҚШ Президенти Б. Клинтон учрашуви хусусида Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг БАЁНОТИ

Шу йилнинг 25 июнь куни Вашингтонда Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Оқ уй матбуот хизмати баёнотига кўра, давлатларимиз бошлиқларининг бундай биринчи мулоқоти ҳар иккала томон учун жуда фойдали бўлди.

Унда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги ўзаро муносабатларни чуқурлаштириш йўллари, икки томонни қизиқтирган сиёсий, иқтисодий, хавфсизлик ва мамлакатимизда ислоҳотларнинг боришига тааллуқли масалалар, шунингдек, Марказий Осиёдаги вазиятнинг муҳокама қилиниши учрашувнинг жуда мазмунли ўтганлигидан далолатдир.

Президент Билл Клинтоннинг АҚШ ҳукумати минтақамиздаги мамлакатларнинг мустақиллиги, барқарорлиги, ривожланишидан ҳар томонлама манфаатдорлиги ва Марказий Осиёда етакчи ўринда турган Ўзбекистон билан кенг қамровли алоқалар ўрнатиш ниятида эканлигини таъкидлаши биз учун жуда муҳимдир. Зеро, бу, жаҳондаги етакчи давлат раҳбари томонидан, мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар самарадорлиги ҳамда мамлакатимиз тинчликсевар ташқи сиёсатининг эътироф этилишидир.

Биз, юртбошимизнинг ҳар икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги, тобора ривожланаётган, ўзаро манфаатли муносабатларни янада кенгайтиришни кўзлаб, АҚШ маъмурияти, савдо-саноат ва молия тизими, жамоатчилиги вакиллари билан учрашув, бевосита танишув ҳамда мулоқотлар мақсадида ушбу мамлакатга қилган сафари, ўта муваффақиятли бўлиш билан бирга, у, оддий амалий ташриф доирасидан чиққан, муҳим сиёсий воқеа бўлди, деб ҳисоблаймиз.

Йиллар, даврлар ўтиб, Ўзбекистон — АҚШ муносабатлари юксак чўққиларга кўтарилгани сари, ушбу олий даражадаги илк учрашувнинг аҳамияти тобора ошиб боради. Чунки, унинг ўзаро муносабатларимизнинг янги босқичини очиб беришга, халқаро ҳамжамиятга қўшилаётган ёш давлатимиз, ислоҳотлар йўлидан қатъий бораётган халқимиз манфаатларига, минтақамиз мамлакатлари хавфсизлиги ва равнақи туб эҳтиёжларига тўла жавоб беришига ишончимиз комил.

Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми Президентимизнинг АҚШга мазкур ташрифи ва унинг ушбу мамлакат Президенти билан учрашуви якунларини қизғин маъқуллайди, уларнинг аҳамиятини юксак баҳолайди ва партиямиз аъзолари, республикамизнинг барча фуқароларини Ўзбекистон — Америка алоқаларини янада мустаҳкамлашга ўз меҳнати билан ҳисса қўшишга даъват этади.

Ўзбекистон ХДП МК
Сиёсий ижроқўми

РАД ЭТДИ

АҚШ ҳукумат вакили Уильям Перри, Саудия Арабистони маъмурияти 19 нафар АҚШ ҳарбий хизматчиси ҳалокатга учраган бино атрофини тегишли масофада чегаралашга розилик бермаганини билдирди. Америка томонининг воқеа содир бўлган жой периметрини 100 футдан 400 футгача кенгайтириш ҳақидаги таклифини Саудия Арабистони рад этди.

30 ЙИЛЛИК ПРЕЗИДЕНТ

Доминикан Республикасида якшанба куни Президент сайлови бўлиб ўтди.

Сайловчилар белгиланган вақтдан бир соат олдин сайлов участкаларига етиб келдилар. 89 ёшли Президент Балагуар миллат сиёсатини кейинги уч ўн йилликда бошқариб келган эди. Сайлов якунлари энди маълум бўлади.

ИЗДОШЛАР ВА САЁҲАТЧИЛАР

Будданинг ўн минглаб издошлари ва саёҳатчилар гуруҳи якшанба куни Шимолий Ҳиндистондаги чекка ўлка — Ҳимолайга, Тибет художўйларининг етакчиси Далай Ламанинг қадимий Будда ибодатини қай тахлитда бажо келтиришини кузатиш учун чиқдилар.

КОММУНИСТЛАР ЧЕТЛАТИЛДИ

Душанба куни Мўғулистон парламентида бўлиб ўтган демократик сайловлар натижасида эски коммунистларнинг катта гуруҳи мамлакат раҳбарий лавозимларидан четлатилди, деб хабар беради Рейтер агентлиги.

Жамиятда, оилада тутган мавқеимиз, ўрнимиздан қатъи назар, остона ҳатлаб кўчага чиқар эканмиз, барчамиз ё йўловчи, ё ҳайдовчига айланамиз ва узлуксиз йўлларда ҳаракатланишни ташкил этамиз. Улкан оқимнинг кичик бир зарраси сифатида фаолият кўрсатар эканмиз, йўлларнинг қон томирлари ҳисобланувчи транспорт воситаларининг мураккаб ҳаракатини соат механизмларидай аниқ ва тартибли юришларини таъминлаб турувчи инсонлар, уларнинг оғир ва машаққатли, шу билан бирга шарафли меҳнатлари ҳақида ҳамиша ҳам ўйлаб кўравермаймиз. Бугунги — транспорт воситаларининг сони, аҳамияти кун сайин ортиб бораётган пайтда давлат автомобиль назорати ходимларининг жамият ҳаётида тутган ўрни салмоқли бўлиб бормоқда.

Давлат автомобиль назорати хизмати ташкил этилганига 60 йил тўлди. Бу албатта, йирик сана. Юбилей — фақат эришилган муваффақиятларни кўз-кўз қилиш эмас, балки йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, ечилмаган муаммоларни ҳал қилиш учун энг яхши сабаб ҳамдир. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат автомобиль назорати бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Шукрулло РЎЗМАТОВ билан суҳбатимиз шундай бошланди.

Давлат автомобиль назорати — 60 ёшда

ЭЛ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

1991 йил республикамизда бўлгани каби Давлат автомобиль назоратида ҳам туб бурилиш йили бўлди. Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ ҳукуматимиз йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларимиз соғлиғини асраш, халқ хўжалиги юклари, саноат моллари четга чиқишига йўл қўймаслик чораларини кўрди. Бу ишларни амалга оширишда ДАН фаолиятининг моҳиятини англаган ҳолда, энг замонавий транспорт воситалари, радио-видео техникалар ажратди. Чет эллик олий мартабали меҳмонларни кузатиш учун Японияда ишлаб чиқарилган «Хонда» мотоцикллари, Германиядан «Мерседес», «Опел» ва бошқа автомашиналар, турли радиоалоқа жиҳозлари сотиб олинди. Йўлларни қуриш, қайта таъмирлаш, жиҳозлаш ишларини олиб борувчи воситалар, ҳаракатланишни автоматик бошқарувчи қурилмалар харид қилинди.

1994 йилда республика ИИВ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Халқаро ҳуқуқ-тартибот ташкилоти Интерполга аъзо бўлиши билан биргаликда Халқаро йўлларда ҳаракатланишни ташкил этиш Комиссиясига кириш ҳақида 1994 йил 26 октябрда Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. 1995 йил 19 декабрда Ўзбекистон Республикаси ушбу ташкилотга аъзо бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки вақтларидан бошлаб, ҳайдовчиларга енгиллик яратиш, ортиқча оворагарчилик, беҳуда қоғозбозлик, чалкашликларнинг олдини олиш мақсадида изланишлар олиб борилди. Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари, таклиф-мулоҳазалари ўрганилди. 1992 йилдан ҳайдовчилик гувоҳномаладан қидирув ва суриштирув, маъмурий-амалиёт бўлимлари, 1995 йилдан автотранспортда экология муаммолари маркази фаолият кўрсата бошлади.

Яна бир қувончли воқеа — биринчи маротаба Давлат автомобиль назорати хизматининг вазифалари, ваколатлари, соҳалари аниқ белгиланган Давлат автомобиль назорати тўғрисидаги Низом 1994 йил 26 декабрда тасдиқланди. Низом ўзининг мукаммаллиги, қатор янгиликлари билан ажралиб туради. Давлат автомобиль назорати Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимига йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлиги устидан давлат назоратини таъминловчи юридик шахс сифатида кирди. ДАН хизматига олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар ишга қабул қилинадиган бўлди.

Давлат автомобиль назорати ҳаётидаги муҳим ўзгаришлардан бири, мустақиллигимиз шарофати билан республикадаги мавжуд барча ДАН постлари қайтадан кўриб чиқилди. Замон талабларига жавоб бермайдиган, ортиқча деб топилганлари олиб ташланди. Зарурлари эса замонавий услубда, маҳаллий шарт-шароитлар, иқлим шароитлари ҳисобга олинган ҳолда қайта қурилди, таъмирланди. Мазкур постларда хизмат ўтовчи ходимларга нисбатан талаблар кучайтирилди, уларнинг таркиби кўриб чиқилди. Ҳар бир ДАН постида хизмат итларининг бўлиши мажбурий деб белгиланди.

Йўл белгилари, айниқса тезликни чегараловчи белгиларнинг дислокацияси қайта кўриб чиқилди. Давлат ташкилотларига, юридик шахсларга тегишли автомобиль транспортларини техник кўрикдан ўтказиш яна ДАН ихтиёрига берилди.

Саноқли ходимдан иборат бўлган, жўнгина жиҳозланган автоинспекция йиллар давомида замонавий транспорт воситалари, радиоалоқа ва бошқа энг сўнгги техник воситалар билан жиҳозланган, бир неча минглаб тайёрланган, чиниққан малакали ва тажрибали ходимларни бирлаштирган йирик тизимга айланди.

Давлат автомобиль назорати давр талаблари, фан-техника ютуқлари, иқтисодий, сиёсий, маиший ўзгаришлар натижасида ўз фаолиятини ривожлантириб йил сайин такомиллашяпти.

Давлат автомобиль назоратининг вазифалари серқирралигидир. Бироқ уларнинг барчаси бир мақсадга — ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорти ҳодисаларининг олдини олишга қаратилгандир. Уларни амалга оширишда автокорхоналар, давлат ва хусусий идоралар, ўқув юртлари ва бошқа ташкилотларда доимий равишда кенг тушунтириш, профилактик ишлар олиб борилади. Ҳар чоракда «Диққат пиёда!» Диққат, темирйўл кесишмаси», «Тезлик», «Тоза ҳаво» ойликлари, ҳафталиклари ўтказилади. Ҳар йили республикадаги мавжуд йўллар, темирйўл кесишмалари ҳолати кўрикдан ўтказилади. Республика ҳудудидаги мавжуд ташкилот ва идораларда, шахсий фойдаланишда бўлган транспорт воситаларининг техник ҳолати текширилади.

Давлат автомобиль назорати ходимлари иқтисодий қийинчиликлардан фойдаланиб, мўмай даромад орттириш йўлида республикамиз иқтисодиётига жиддий зарар етказаётган нопок кимсалар йўлига зарур тўсиқ қўйишга эришди.

Биргина ўтган йилнинг ўзида 30876 кг. буғдой, 116029 кг. гуруч, 52976 кг. пахта ёғи, 102700 кг. шакар, 10645 кг. чой, 12551 кг. маргарин, 25517 кг. сариёғ, 14693 дона қорамол териси, 31836 кг. пахта, 124 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, 24710 л. бензин, 11111 л. дизель ёнилғисини тўхтатиб қолишга муваффақ бўлдилар. Бундан ташқари, бир неча ўн килограммдан ортиқ наркотик моддалар, турли хил ўқотар қуроллар мусодара қилинди. Шу йилнинг 4 ойида транспорт воситасини ўғрилаш, олиб қочиш билан боғлиқ 98 жиноятнинг 49 таси ДАН ходимлари томонидан очилди. Воқеа жойидан қочган 224 ҳайдовчи ушланди. ДАН ходимларининг иштирокида 53 та қотиллик, 20 та босқинчилик, 80 та талончилик, 11 та товламачилик, 89 та безорилик, 800 та ўғрилик, 52 та ноқонуний қурол сақлаш, 179 та ноқонуний гиёҳванд моддаларни сақлаш жиноятлари очилган. 181 кг. 208 гр. гиёҳванд модда олинган.

Олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда ДАН хизмати транспорт воситалари хавфсизлигига оид стандарт талабларини ишлаб чиқиш, қурилмаларга ўзгартириш киритиш, тажрибадан ўтказиш, фойдаланишга қабул қилишда иштирок этмоқдалар.

Юртимиз мустақиллигини қўлга киритгач, Давлат автомобиль назорати олдида халқ хўжалигида транспорт хизмати, йўловчи ташиш соҳаларида вужудга келган муаммоларни ҳал қилишдек масъулиятли вазифалар туғилди. Уларни ечишда жаҳон андозалари ўрганилиб, ўз навбатида фуқаролар, ҳайдовчиларга қулайликлар яратиш, оғирини енгил қилишдек шарафли ишларга қўл урилди.

Жумладан, автотранспортнинг қурилмаларига путур етказмаган ҳолда қўшимча ёнилғи идиши ўрнатиш, баландлиги эвазига юкхонасини кенгайтириш, айрим турдагиларни дизель ёнилғисига ўтказиш кабиларга расман рухсат этилди. Бу ишларни амалга оширувчи корхоналар ҳақида фуқароларга маълум қилинди.

Бошқа тоифадаги ҳайдовчилик ҳуқуқига эга бўла туриб, «В» тоифага эга бўлмаган ҳайдовчилар учун бир йилгача транспорт воситасини бошқарган тақдирда амалий имтиҳон топшириш, бошқармаган ҳолда эса ҳам амалий, ҳам назарий билими текширилгач, тегишли ҳуқуқ берилиши тадбиқ этилди.

Республика транспорт воситаларини фарқлаш учун давлат рақам белгилари ишлаб чиқилиб, айни пайтда улар амалда алмаштирилмоқда.

Айни кунларда ҳайдовчиларга ҳар бир давлатда эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини берадиган ҳайдовчилик гувоҳномалари нусхаси ишлаб чиқилиб, муҳокама қилинмоқда.

Республикамиз тобора ривожланиб, маданий, сиёсий, иқтисодий алоқаларимиз доираси кенгаймоқда. Хорижликлар диққат-эътиборини тортмоқда. Бу эса йўлларимизнинг ҳолатини яхшилаш, ундаги ҳаракатланиш тартиби, қонун-қоидаси, ҳаракат иштирокчиларининг интизоми, ходимлар савиясини ошириш, намунали хизмат кўрсатиш, эҳтиёжи юксак даражада хизмат кўрсатиш масъулиятини юклайди.

Бугун Давлат автомобиль назоратида ўз хизмат бурчларини виждонан бажариб, эл-юрт тинчлиги — осойишталиги йўлида саратоннинг жазирамасию қишнинг қаҳратонига қарамай, ўз жойларида сергак турган барча ходимларни мустақил юртимиз сидқидилдан табрикламоқда. Республикамиз йўлларида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишдек шарафли ҳамда масъулиятли ишларига муваффақиятлар тиламоқда.

Суҳбатдош: Норбобо ШАКАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Европа чемпионати

МАҲОРАТГА СУЯНГАН ЮТАР

ФУТБОЛ

Худди шундай бўлди. 22 кун Англия шаҳарларида давом этган қитъа чемпионати иштирокчиларининг аксарияти фолбинлару башоратчилар айтган тахминларга иконий, майдонда ўз имкониятларидан етарли фойдалана олмадилар. Айниқса, мезбонлар — Англия футболчилари оз эмас, кўп эмас 400 йил илгари Нострадамус айтган башоратига катта умид боғлаб қўйишди. Унинг тахминича, давлат рамзида учта шер тимсоли бўлган мамлакат футболчилари бош соврин учун ҳал қилувчи учрашувда майдонга тушишлари лозим эди. Афсуски, инглиз футболчилари ярим финалда ютқазиб қўйишди.

Умуман, чемпионат бошланиши арафасида мутахассислар «С» гуруҳини энг қийин жамлама деб баҳолашган эди. Чунки Германия, Чехия, Италия, Россия каби қитъа чемпиони номига сазовор бўлган жамоалар мазкур гурухда саралаш учрашувларини ўтказдилар. Бу сафарги чемпионатнинг бир жиҳати мухлисларни таажжубга солди. У ҳам бўлса қитъа биринчилиги учун курашнинг финалчилари айнан шу гуруҳдан чиқдилар. Хусусан, Германия-Чехия жамоалари саралаш ўйинида дарвозага иккита жавобсиз тўп киритиш билан илк марта ғалаба завқи сурилган эди. Якунловчи финал учрашувида ҳам ана шу жамоалар ўзаро тўп сурдилар. Ваҳоланки, бу учрашувни майдон эгалари ўз йўлига, Голландия, Испания, Франция, Италия, Хорватия, Португалия футболчилари ҳам орзу қилгандилар.

Катта футболда омад деган нарса бор. Шу бўлмаса, ҳар жиҳатдан мукаммал тайёргарликка эга бўлган жамоанинг ҳам ҳаракатлари зое кетаверади. Ёки аксинча чипор тўп сеҳрлангандек дарвоза тўрига уриладики, мухлислар «ёпирай», дейишдан нари ўтолмайдилар. Шу томондан қараганда, чех футболчиларининг омадлари келувди. Чунки бу жамоа саралаш учрашувларидаёқ курашни давом эттириш ҳуқуқини бой беришлари кўзга ташланиб қолувди. Боиси, Италия ўйинчиларида ҳам чехлар каби тўрттадан очко тўпланган бўлиб, фақат тўплар нисбатига кўра Чехия жамоаси чорак финалга йўлланма олган.

Чорак финалда эса чехлар Португалия жамоасини 1:0 ҳисобида енгиш билан ярим финалга чиқишди. Курашнинг навбатдаги босқичида чехлар французларни бештадан 11 метрли тўп тепишлар камлик қилиб, олтинчисини аниқ нишонга олиш билан доғда қолдиришди.

Зеро, Германия футболчиларининг омадлари маҳорат пардасига йўғрилган экан. Улар чемпионатда олтита учрашув ўтказиб, мағлубият аламини тан олишмади. Чехлар устидан эришилган биринчи ютуқдан сўнг Италия билан дуранг, Россия жамоаси дарвозасига учта тўп киритиш билан зафар йўлини бошладилар. Чорак финалда эса чиройли ўйинлар кўрсатиб, мухлисларини ром этиб турган Хорват футболчиларини 2:1 ҳисобида енгиб, ярим финалга чиқдилар. Финалга йўлланма олиш учун майдон эгалари билан тўп суришга тўғри келди. Немислар ҳам чехлар каби олтинчи 11 метрли жарима тўпини дарвозага йўллаш билан зафар қучишди.

Икки соат давом этган якунловчи учрашув эса ажиб томошага айланди. Танаффусгача ҳисоб очилмади. Учрашувнинг иккинчи қисмида немислар хатога йўл қўйиб, чехлар 11 метрли белгидан ҳисобни очишди. Аммо немис ўйинчилари ҳисобни тенглаштиришга эришдилар. Қўшимча вақт белгиланди. Ҳисоб ўзгармай тураверди. Ниҳоят ўйин тугашига бир неча дақиқа қолганда немислар «олтин» тўпни дарвозага йўллаб, қитъа чемпиони номига сазовор бўлишди. Бу билан Германия терма жамоасининг учинчи марта Европа чемпиони бўлиши. Шундай қилиб, 16 жамоа ўртасида ўтказилган 31 та учрашувнинг ҳар бири мухлислар ёдида ажиб хотирага айланди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Дил изҳори

ҲАЁТ МАЗМУНИ

Мустақилликни ҳаёти, фаолиятининг мазмуни, бир бўлаги деб билган олимгина ўз миллати, жамияти манфаатлари учун хизмат қила олади. Ана шу жиҳатдан олганда тарих фанининг зукко билимдони, фидойи ва заҳматкаш инсон Асад Нуруллаевнинг олиб бораётган ишлари муҳим аҳамиятга молик.

Инсон ҳаётида шундай бир палла келадики, у ўтган умрини сарҳисоб қилади, келажак ишларини чамалаб кўради. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий-ўқув марказининг профессори, тарих фанлари доктори Асад Нуруллаев шу ўй, шу хаёлда.

Домла асли Бухоронинг сўлим, ҳавоси мусаффо, табиати дилни яйратадиган Яважин қишлоғидан. Отаси — Нурулло хожи бутун умри деҳқончилик билан ўтган бўлса-да, илмнинг, китобнинг, хат-саводнинг қадрига етган. Билимдон бўлган. Шу боис ўғлига турли воқеаларни сўйлашдан, китоб ўқиб беришдан эринмаган, чарчамаган. Кичкина Асадда тарих фанига қизиқиш ҳам отаси туфайли уйғонган бўлса ажабмас. Ўғлини илк бор мактабга кузатган онасининг қувончини устоз кечагидек эслайди.

Бироқ ҳаёт бешафқат. Ота-онасидан ёш етим қолган Асаджон аввал тоғаси, сўнгра Ғиждувон шаҳридаги болалар уйида тарбияланди. Унинг ёшлиги, ўқувчилик йиллари уруш пайтига тўғри келди. Қийинчиликларга қарамай ўқишни давом эттирди. Фанларни яхши ўзлаштирар, кўп ўқирди. Ўша пайтда икки йиллик Бухоро ўқитувчилар институтининг тарих факультетида ўқиб юрган кезларида ҳам устозлари уни алқагани алқаганди. Олган сабоғини хотин-қизлар техникумида ўзи севган фандан дарс бера бошлаганда амалда синаб кўрди. Бироқ, кўп ўтмай у ўқишни давом эттириш мақсадида Бухоро педагогика институтига кирди ва уни тугатгач, ўқитувчи этиб қолдирилди. Асад Нуруллаев илмий ишини Ўзбекистон Фанлар академиясининг тарих ва археология институтининг аспирантурасида давом эттирди. Шундан сўнг қишлоқ хўжалик ишчиларининг шаклланиши тарихига доир мавзу бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Олим учун бу бир юксак чўққи эди. Аммо у бу билан кифояланмади. Ўз соҳасининг ҳали ўрганишни кутиб ётган муаммолари уни тинчитмади. Яна изланишга тушди. Китоб мутолаа қилди. Ўқиди, ўрганди. Шу тариқа докторлик иши ҳам тайёр бўлиб, саксонинчи йили уни ҳимоя қилди.

Ўзининг илмий фаолияти давомида элликдан ортиқ илмий ишга муаллифлик қилган устознинг шогирдлари бир олам. Устоз-шогирдлик хусусида гап кетганда кўпинча меҳрибон, маслаҳатгўй ёки илмий йўл-йўриқлар беради дея таъриф берамиз. Лекин домланинг яна бир ибратли хислати у аввало шогирдларининг соғлиғини сўрайди оиласи, бола-чақасининг омонлиги билан қизиқади. У бир оддий ҳақиқатни ўз тажрибасидан жуда яхши англаб олган, уйидан, оиласидан хотиржам кишигина илмий иш ҳақида ўйлаши, фикрлаши мумкин. Шу боис у ҳамиша шогирдларига аввало оилавий хотиржамлик тилайдида, сўнг илмий иши билан қизиқади. Зарур пайтда ўта босиқлик, майинлик билан йўл-йўриқлар кўрсатади. Айни пайтда талабчанлиги билан ҳам ажралиб туради. Хуллас, у қалби дарё, бағри кенг, одамшаванда мураббий.

Бугунги кунда илмий изланишларини давом эттираётган домла юқори малакали мутахассислар тайёрлашда, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ижтимоий ишларида фаол қатнашмоқда. Асад Нуруллаевнинг қилажак ишлари, кўнглидаги ниятлари талайгина. Бу эзгу ниятларга етиш учун устоз ўзлари айтгувчи тўрт мучанинг соғлиғи керак. Биз, шогирдлар, устозга таниси-ҳатлик, бардамлик тилаб, ўй-истаклари рўёбга чиқишига тилакдошмиз.

Бахтиёр ТЎРАЕВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор.
Ойгул СУЮНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти илмий ходими.

ФОЙДАДАН ҲОЛИ ЭМАС

Ун, гуруч, макарон маҳсулотларига мита тушмаслиги учун ошхона жавони ичига саримсоқпиёз бўлакларини арчиб, ташлаб қўйинг.

***

Чумолиларни йўқ қилиш учун уларнинг йўлларига саримсоқпиёз суркаш керак.

***

Қиймалагичдан чиққан 50 грамм саримсоқпиёзни 10 литр сувга аралаштириб, баҳор ва кузда дарахтларга сепилса, куртак каналари йўқолади.

***

Агар сизни боғингизда чумоли кўпайса, унинг олдини олишга ҳаракат қилинг. Чумоли босган жойга кир порошогини сепиб қўйинг.

***

Агар сизга пашшалар тинчлик бермаётган бўлса, ялпиздан фойдаланинг. Ялпизни бир боғламини эшикка ва деразага осиб қўйсангиз, пашшалар келмайди.

***

Қизил рангли кийимларни асл ҳолига келтириш учун чайиш пайтида совуқ сувга озгина сирка (уксус) солинг. У барча матоларнинг асл рангини тиклайди.

МУТОЛАА.

Содиқжон МАҲКАМОВ олган сурат.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азамат ЗИЁ,
Азиз НОСИРОВ,
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб),
Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Норбобо ШАКАРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Салим АШУРОВ,
Хайрулла ЖУРАЕВ,
Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0363

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 00.30.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

НАБИ ҒАНИЕВ НОМЛИ ТОШКЕНТ КИНОТЕХНИКУМИ

кундузги ва сиртқи бўлимларга 1996-97 ўқув йили учун ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

— Кино асбоб-ускуналари ва видеотехникани ишлатиш — кино-видео техник-оператор;
— Рўзғор радиоэлектрон техникасига техника хизмати кўрсатиш ва созлаш — радиотехник (радиотелемастер);
— Томошагоҳларга оид тадбирларни овоз техникаси билан таъминлаш — овоз техник-оператори;
— Халқ хўжалиги тармоқларида иқтисод ва режалаштириш — техник-иқтисодчи;
— Бухгалтерия ҳисоб-китоби, хўжалик фаолияти назорати ва таҳлили — бухгалтер.

Талабаликка қабул қилиш тест синовлари асосида ўтказилади. Ҳужжатлар умумий қоидалар асосида қабул қилинади.

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри — 95, Талабалар шаҳарчаси, 2-Чимбой, 96 уй. Телефонлар: 46-04-00, 46-13-13, 46-47-86.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИНИНГ

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА НАФИС САНЪАТ ЛИЦЕЙИ

1996-1997 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН РЕСПУБЛИКА МАКТАБЛАРИНИНГ 8-СИНФИНИ БИТИРГАН ИСТЕЪДОДЛИ ВА ИЖОДКОР ЎҚУВЧИЛАРИНИ ҚУЙИДАГИ ЙЎНАЛИШЛАРДАГИ БЎЛИМЛАРДА ЎҚИШ УЧУН

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

— Адабиёт ва журналистика;
— Тарих ва ҳуқуқшунослик;
— Санъат бўлими (халқ амалий санъати, тасвирий санъат);
— Инглиз тили ва информатика;
— Иқтисод ва информатика;

ҚАБУЛ ИМТИҲОНЛАРИ 10-19 АВГУСТ КУНЛАРИ ЛИЦЕЙ БИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ.

Барча йўналишда ўқувчиларга инглиз ва шарқ халқлари тиллари (араб тили) чуқур ўргатилади. Лицейда барча мутахассислик фанлари бўйича дарсларни малакали мутахассис педагоглар ҳамда олийгоҳларнинг тажрибали доцент, фан номзодлари, ва докторлари олиб борадилар.

Ўқишга қабул қилинган талабалар бепул ётоқхона, 4 маҳал овқат ва кийим бош билан тўла таъминланадилар.

Лицейни битирган иқтидорли ўқувчилар учун репетитор ёллашга асло ҳожат қолмайди, иқтидорли ўқувчиларни қабул қилиш тест синовлари ва мутахассис фанлар бўйича суҳбат асосида ўтказилади.

ЛИЦЕЙДА ЎҚИШНИ ИСТАГАН ЎҚУВЧИЛАР ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТОПШИРАДИЛАР:
1. Ота-онасининг директор номига аризаси.
2. Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномадан кўчирма.
3. Тиббиёт варақаси (форма — 26, Ф-63).
4. 1-, 8-синфлар табели.
5. 3x4 катталикдаги 6 дона фотосурат.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700135, Тошкент, Чилонзор. (Метронинг «Чилонзор» бекати, «Ц» кварталы). Телефон: 76-59-50, 76-59-00.

Шунингдек, умумтаълим ва махсус фанлар бўйича ўз предметининг назарий ва таълим асосларини чуқур эгаллаган ижодкор муаллимлар лицейда ишлаш учун танловда иштирок этишга таклиф этилади. Лицей ўқитувчиларига 50 фоиз қўшимча иш ҳақи белгиланган.

ТАШКИЛОТ

Қозоғистонда ишлаб чиқарилган А-76, А-80 автомобиль бензинлари ва дизель ёнилғиларини нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулида

СОТАДИ

ҳамда узоқ муддат сақлаб беришни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Нархлар арзон, шартнома асосида.

Улгуржи харидорлар учун нарх тушириб берилади.

Ёнилғини ташиш учун автомобиль хизмати кўрсатади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Боткин кўчаси, 5-уй. Телефонлар: 67-44-60, 68-12-06.

Тошкент вилояти Паркент тумани 10-ўрта мактаб томонидан Ҳожиева Шаҳло номига берилган АО 443014 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент Давлат техника университети қошидаги республика миқёсидаги миллий лицей-интернат ўқитувчилари ва ўқувчилари шу лицей 10 «Е» синф ўқувчиси **Ҳожиакбар ҒАНИЕВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила-аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

ДИҚҚАТ, КИМ ОШДИ САВДОСИ!

Тошкент вилояти ҳокимияти, Тошкент вилояти Давлат мулк қўмитаси, Янгийўл шаҳри ва Оққўрғон тумани ҳокимиятлари ҳамда Тошкент вилояти кўчмас мулк биржаси 13 июлда Оққўрғон туманида ҳамда 17 июлда Янгийўл шаҳрида соат 10.00 да ким ошди савдосини ўтказади.

Ким ошди савдосига қуйидаги ер майдонлари қўйилади:

ер майдони жойлашган манзилгоҳ	ер майдонлари сони	1 ер майдони ҳажми кв. м.	1 ер майдонининг бошланғич нархи
Янгийўл шаҳрида			
Гулшан кўчасидаги ер майдонлари	10 дона	600	25380
Оққўрғон туманида			
«Гулистон» жамоа хўжалигидаги ер майдонлари	15 дона	600	6000
«Оққўрғон» корпорациясининг 1- ва 5-бўлимларида ҳамда марказий қўрғонидаги ер майдонлари	39 дона	600	6000

Мурожаат учун телефонлар: Тошкент шаҳрида — 33-28-52, 33-49-31

«Газ 31 — 029» бошланғич нархи 700000 сўм.

Шунингдек, ўтган савдода сотилмай қолган иншоотлар, ер майдонлари, қурилиши тугалланмаган бинолар ҳам ким ошди савдосига қўйилади.